



Янги Ўзбекистон та-
раққиётини, истиқбо-
лини таъминлайдиган
куч бу — тадбиркорлар.
Давлатимизни бой
қиладиган куч бу —
тадбиркорлар.

Халқимиз, оилалар
ҳаётини фаровон қи-
ладиган куч бу — тад-
биркорлар.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

2025-yil
21-avgust
payshanba
№103
(5167)

Ishonch

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ – МАМЛАКАТИМИЗНИНГ КАТТА БОЙЛИГИ

20 avgust kuni Yangi Toshkentda
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг тадбиркорлар
билан очiq мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари тадбир-
корларни бугунги касб байрами ва
Мустақилликнинг 34 йиллиги билан
табриклади. Ҳар бир соҳа, ҳар бир
худуд, ҳар бир маҳалладаги ўзга-
ришларда уларнинг ҳиссаси катта
эканини таъкидлади.

Тадбир очiq мулоқот тарзида
ўтди. Марказий ва ҳудудий студия-
лардан қатнашган тадбиркорлар ўз
фикр ва таклифларни билдирди.
Муаммолар муҳокама қилиниб,
улар бўйича мутасаддиларга кўр-
сатмалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Пре-
зидентининг шу йил 18 августдаги
фармонида мувофиқ, мамлақати-
миз иқтисодий қудрати ва экспорт
салоҳиятини ошираётган, аҳоли
бандлиги ва фаровонлигини таъ-
минлаш йўлида жонбозлик кўрса-
таётган бир гуруҳ тадбиркорлар
фахрий унвонлар, орден ва медал-
лар билан мукофотланган эди.

20 август кuni Yangi Toshkentda
мазкур мукофотларни топшириш ма-
росими ҳам бўлиб ўтди. Маросимда
давлатимиз раҳбари ушбу мукофот-
ларни тантанали равишда топширди.

Ушбу тадбирлар тафсилотлари билан
батафсил танишиш учун қуйидаги
QR кодни сканер қилинг:



1211 га мурожаат
«МЕНИ ҲЕЧ КИМ
ЭШИТМАЯПТИ»

Инсоннинг муштдек юраги баъзида турмуш зарба-
ларини кўтаролмайди. Бунинг устига, у аёл бўлса,
қалби далда излаб қоларкан.

Норин туманидаги «Кемабоши» маҳалласида
яшовчи А.Н. умр йўлдошининг ҳар қандай ин-
жиқликларини кўтариб, сабр қилиб яшаб кела-
ётган эди. Лекин қалби тош қотган эр уни бир
фарзанди билан уйдан ҳайдаб чиқарган, чора-
сиз қолди. Дастлаб маҳалла мутасаддиларига
чиқиб, вазиятни тушунтирди. Таассуфки, улар
ҳам дардига малҳам бўлишолмади.

Шундан сўнг аёл ҳолатни баён этиб,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси-
нинг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га муро-
жаат қўлади.

Вазият ўрганилди, масъуллар ҳаракатга
тушди. Аёл эри билан яраштирилди, уйига ки-
ритиб қўйилди.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

ХОДИМ ФОЙДАСИГА ҚАРОР ЧИҚАРИЛДИ

Шоҳиста Назирова ўзи ишлаб келаётган корхона, яъни «Oz-Dong Yang
Компани» МЧЖ қўшма корхонаси устидан Ўзбекистон Республикаси Прези-
дентининг виртуал қабулхонасига шикоят йўллади. Унинг аризаси тегишли
тартибда Металлургия ва машинасозлик тармоқлари ходимлари касба уюш-
маси Республика кенгашига йўналтирилди.

Мурожаатни ўрганиш чоғида корхона ходимнинг лавозим разрядини ноқо-
нуний тарзда Е4-5 тоифадан Е3-1 тоифага тушириб юборгани маълум бўлди.
Бунинг оқибатида Ш.Назированинг ойлик маоши сезиларли даражада камайиб
кетган.

Кенгаш мазкур ҳолатни амалдаги қонунчиликка зид, яъни ходимнинг кафо-
латланган меҳнат ҳуқуқлари қўпол равишда бузилган, деб баҳолади ва бу бўйи-
ча иш берувчига кўрсатма хати юборди. Аммо корхона раҳбарияти кенгашнинг
қонуний талабини писанд қилмади.

Шундан сўнг корхона раҳбариятининг хатти-ҳаракатидан норози бўлиб,
фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судига даъво-ариза кири-
тилди. Суддан корхона томонидан ходимга ойлик маош миқдоридagi фарқ
тўлаб берилиши сўралди. Яқунда касба уюшмаси келтирган талаб ва важлар
тўғрисида қарор чиқарилди. Унга кўра,
«Oz-Dong Yang Компани» МЧЖ шаклидаги қўшма корхонанинг тегишли
бўйруғи бекор қилинди. Шунингдек, иш берувчидан Ш.Назирова
фойдасига жами 29 миллион 866 минг 738 сўм иш ҳақи
ундирилди.

Нормамат САТТОРОВ,
Металлургия ва машинасозлик тармоқлари
ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши
меҳнат ҳуқуқ инспектори

КАСАБА УЮШМАСИ АРАЛАШГАЧ...

Мактабгача ва
мактаб таъ-
лими вазирли-
гининг бўйруғи
билан Қува ту-
мани мактаб-
гача ва мактаб
таълими бўлими
бошлиғи лаво-
зимиди ишлаб
келган Нодир
Комилов би-
лан тузилган
меҳнат шарт-
номаси Меҳнат
кодексининг
161-мод-
даси 2-қисми
4-бандига
ассосан бекор
қилинди.

Бундан норози бўлган Нодир Ко-
милов ҳуқуқий кўмак сўраб, Ўзбеки-
стон касба уюшмалари Федерацияси-
нинг Фарғона вилояти кенгашига муро-
жаат қилди.

Ўрганишлар давомида уни ишдан бўша-
тишда иш берувчи томонидан меҳнат қонунчи-
лиги талаблари бузилгани аниқланди.

Натижада фуқаролик ишлари бўйича Фарғона
туманлараро судига даъво-аризаси киритилди.



ДАЪВО ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ

Судда даъво қаноатлантирилиб, Нодир Комилов
ўз иш жойига тикланиши белгиланди. Шунингдек,
унга мажбурий бекор юрган кунлари ва маънавий
зарар учун 33 миллион сўм ундирилиши белги-
ланди.

Мансуржон УСМОНОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари
Федерациясининг Фарғона вилояти
кенгаши бош юристконсультанти

БУГУНГИ СОНДА:

МУЗОКАРАЛАРНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?



www.ishonch.uz

www://

ishonch1991@yandex.uz



facebook.com/ishonchofficial.uz



https://t.me/ishonchuz_official



УСТОЗЛАР МЕҲНАТИ МУНОСИБ ҚАДРЛАНМОҚДА

Бугун мамлакатимизда кечаётган янгиланишлар, ўзгаришлар нафақат иқтисодий-сиёсий соҳалар, балки таълим тизимида ҳам туб бурилишлар билан намойён бўлмоқда. Улар замирида инсон қадр, унинг салоҳияти ва таълимга бўлган ҳуқуқини таъминлаш орқали тараққиётга эришиш ғояси мужассам. Зеро таълимга берилган эътибор — келажакка қилинган энг яхши сармоя эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

РАҚАМЛАР ОРТИДАГИ ҲАҚИҚАТ
Юртимизда олий таълимга қамров сўнги етти йилда тўрт баробарга яқин ошгани — тарихий воқеа. 2017 йилда 77 та олий ўқув юрти фаолият юритган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 213 тага етди. Олий таълимга қамров 9 фоиздан 42 фоизгача кўтарилди. Бу фақат сон эмас — бу юз минглаб ёшларнинг ҳаёти, имконияти ва келажакга демак. Айнан шу йилларда хотин-қизларни таълимга жалб этиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. 2021 йилдан бошлаб ҳар йили 3 минг нафардан ортиқ хотин-қиз учун махсус грантлар ажратилиши, уларнинг тенг ҳуқуқлилик ва ривожланиш йўлидаги имкониятларини очиб берди.

КЕЛАЖАККА САРМОЯ
Шундай. Бугун вилоятда соҳада амалга оширилаётган ислохотларни аини шунга менгаш мумкин. 2024 йилнинг ўзига вилоятдаги таълим инфратузилмасини ривожлантириш учун 517,7 миллиард сўм сарфланди. Натижада 10 та мактабгача таълим муассасаси ва 38 та умумтаълим мактаби таъмирланди, жиҳозланди, 65 та муассаса эса замонавий компьютер техникалари билан таъминланди. Шунингдек, «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси доирасида ғойиб деб топилган 104 та лойиҳага 124,7 миллиард сўм ажратилиб, 74 та мактаб ва 2 та ДМТда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бу халқ ва давлатнинг ҳамжиҳат-

ликда қилган иши, жамиятдаги ижтимоий шерикчилик маданиятининг ёрқин намунасидир. Таълим сифати қай даражада эканини билиш учун рақамларга эмас, натижаларга қараш кифоя. 2024 йилда 22 нафар, 2025 йилнинг ярмига келиб эса 28 нафар бухоролик ўқувчи республика ва халқаро фан олимпиадаларида муваффақият қозонди. Улар орасида олтин, кумуш ва бронза медаллари соҳиблари бор.

ЭҲТИРОМНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ
Ўқитувчи фақат дарс ўтувчи шахс эмас. У — жамиятда илмий-маърифий йўлбошчи, маънавият тарғиботчиси, инсон тафаккурини яратувчи асосий куч. Шу боис, 2025 йилда вилоятда минг доллардан ортиқ маош олаётган устозлар сони 240 нафардан ошди. Бу нафақат моддий рағбат, балки педагогика соҳасига бўлган эҳтиромнинг амалий ифодасидир.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ — СОҲА ТАЯНЧИ
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси бугунги кунда фақат ҳимоячи ташкилот эмас, балки фаол ижтимоий институт, ислохотлар шериги сифатида фаолият юритмоқда. Улар ташкил этган «Менинг Президентим», «Ёш китобхон», «Янги Ўзбекистоннинг ёш тарғиботчиси» сингари танловлар минглаб иқтидорларни кашф этмоқда. 2021 йилда жондорлик Жасмина

ТАЪЛИМ

Тўраева «Менинг Президентим» ижодий танловида республика босқичида фахрли 3-ўринни эгаллади. Унинг устози Ихтиёр Норов 10 миллион сўм мукофот, мактаб директори эса ноутбук билан тақдирланди. Жасминанинг ўзи 2022 йилда Чирчиқ давлат педагогика институтига грант асосида ўқишга қабул қилинди ва 2024-2025 ўқув йилида Навоий стипендиясини қўлга киритди. Бу бир танлов орқали бутун бир тақдир янгича йўналиш олганининг ёрқин намунасидир.

2023 йилдан бошлаб ўтказилаётган «Соғлом танда — сифатли таълим» шиори остидаги спорт мусобақалари ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг жисмоний фаоллигини, жамоавийлик руҳини мустаҳкамламоқда. Жорий йилда ушбу мусобақаларда 13 528 нафар устоз иштирок этди. Спорт орқали мустаҳкамланган жисмоний ва руҳий барқарорлик таълим сифатига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

2021-2023 йилларда 723 нафар мактаб директори, ўқитувчилар ва методистлар «Ситораи Моҳи хоса» санаторийсида бепул дам олишди, саломатликларини тиклашди. Кўп йиллик фидокорона меҳнати билан таълим ривожига ҳисса қўшган 7 нафар тажрибали устоз «Чинобод Плаза» санаторийсида ҳордиқ чиқариб, даволанишди. Бу нафақат рағбат, балки устозларнинг заҳматли меҳнатига бўлган чуқур ҳурматдир.

Бугун таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларда касаба уюшмалари ишончли ҳамкор, устозлар халқ меҳнаткашлари, ёшлар эса мамлакат истиқболи эканини яна бир бор қайд этиш лозим.

Райхон НОСИРОВА,
Таълим ва фан ходимлари
касаба уюшмаси
Республика кенешининг
Бухоро вилояти бўйича масъул
ташкилотчиси



ҲАМ САЁҲАТ, ҲАМ ТАЖРИБА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши ташаббуси билан касабакўмликка сайланган 50 нафар ёш Хоразм вилоятига саёҳат қилишди.

Делегация аъзолари дастлаб Хоразм вилояти кенгаши фаолияти билан яқиндан танишди. Учрашувда сўзга чиққанлар касаба уюш-

малари меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ишлари ҳақида

ИЧКИ ТУРИЗМ

гапириб беришди. Мулоқот давомида ўзаро тажриба ва фикр алмашилди.

Тadbир сўнгига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши томонидан сўнги 5 йиллик фаолиятга бағишланган таҳлилий китоб мезбонларга совға қилинди.

Шундан сўнг самарқандлик ёш касабакўмлар Шовот туманидаги Юсуф Ҳамадоний, Хива шаҳридаги Ичан Қалъа мажмуаларини томоша қилишди. Саёҳат ёшларда катта таассурот қолдирди.

Бахтиёр ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

ЮРГАН ДАРЁ

Юртимизнинг ҳар бир гўшаси — бебаҳо тарих, бой маънавият ва замонавий тараққиёт ифодаси. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ички туризмни ривожлантириш мақсадида «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида уюштириб келатган саёҳатлар юрtdошларимизда ана шу бой меросни яқиндан англаш, тарихни ҳис қилиш ва замонавий тараққиётни кўз билан кўриш имконини яратмоқда.

саркарда Жалолитдин Мангуберди мажмуаси саёҳатчиларда катта таассурот қолдирди.

Бир сўз билан айтганда, Урганч нафақат қадимий, балки замонавий шаҳар сифатида меҳмонларни ўзига ром этди.

— Бу каби саёҳатлар одамларни ўтмишни янада теранроқ англашига ҳимоят қилади, — дейди Таълим ва

фан ходимлари касаба уюшмаси Кармана тумани кенгаши фаоли Абдулазиз Муродов.

Норимхол НУРМОНОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудир

«ТОНГ»ДА МАРОҚЛИ ДАМ

Фарғона вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши ташаббуси билан қорақалпоғистонлик 52 нафар болажон мафтункор табиат бағрида жойлашган «Тонг» оромгоҳида ҳордиқ чиқармоқда.

— Болаларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши ва уларни хушнуд этиш учун бир-биридан ажойиб дастурлар тайёрланган, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши раиси ўринбосари Абдоржон Отабоев. — Мавсум давомида давра суҳбатлари, қизиқарли учрашувлар, театр томошалари, интеллектуал уйинлар, викториналар ҳамда спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Расм, рақс, рус ва инглиз тили каби тўғрақларда болажонлар маҳоратини оширишмоқда.

— Таътилни Фарғонанинг сўлим гўшасида ўтказяпман, — дейди Хурлиман Эшмуратова. — Бу ер мен ўйлаганимдан ҳам чиройли экан. Ичкиса, манзарасини кўриб лол қолдим. Тенгдошларим билан маза қилиб ўйнаяпман.

Жамшид ЭРҒАШЕВ
«ISHONCH»



ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

ЁШЛАР ОВОЗИ

УЛАР МУДОМ ЭЪТИБОРДА

Сурхондарё вилоятида касаба уюшмалари тизимидаги мавжуд 9815 та бошланғич ташкилот ўз сафига қарийб 342 минг нафар аъзони бирлаштирган бўлиб, улардан 92,3 минг нафарини ёшлар ташкил этади.

2020-2025 йиллар давомида қабул қилинган «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда Федерациядаги ёш ходимларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар дастури»лари доирасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, ўтган беш йилда 800 га яқин тadbир ўтказилиб, меҳнат жамоаларидаги 35 минг нафар ишчи-ҳодим, жумладан, 30 минг нафардан зиёд ёшлар жалб этилди. Жумладан, дастур бандлари бўйича уларнинг интеллектуал жиҳатдан салоҳиятини ошириш, китобхонликка кенг жалб этиш, санъатга бўлган қизиқишларини юксалтириш, жисмоний фаоллигини таъминлаш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан 450 дан зиёд маънавий-маърифий тadbирлар, 100 га яқин спорт мусобақалари, юриш, югуриш марафонлари, интеллектуал танловлар, китобхонлик викториналари ва акциялар, 45 маротаба «Раҳбар ва ёшлар» учрашувлари ўтказилди. Мазкур тadbирларда ёшларга 2 мингдан ортиқ ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдона асарлари совға тариқасида топширилди.

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида республикамизнинг тарихий шаҳарлари, зиёратгоҳларга 58 маротаба саёҳатлар ташкил этилиб, 30 мингдан ортиқ ёшларнинг иштироки таъминланди.

Олийгоҳларда таҳсил олаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 5 нафар талабага 6 ой муддатга меҳнатга ҳақ тўлашининг 2 баравари миқдорида «Касаба уюшмалари стипендияси» тайинланди. 200 нафарга яқин ёшларнинг ота-оналарига тизимдаги санаторийларда даволаниб, соғлиқларини тиклаш учун имтиёзли йўлланмалар берилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган oilаларнинг 5 нафар фарзандига замонавий компьютер жамланмалари, дарс столлари олиб берилди. Бундан ташқари, «Умид гулшани» санаторийсида 52 нафар фарзанд умидидаги ёш аёл бепул соғломлаштирилди.

2021-2025 йиллар давомида ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида 20 маротаба ташкил этилган «Жасорат мактаби» лойиҳаси доирасида улардан 2000 нафарига 5 турдаги гигиена воситалари ҳамда эсдалик совғалари берилди.

Бир сўз билан айтганда, воҳада касаба уюшмалари томонидан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шарофиддин ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

ЁДДАН КЎТАРИЛМАС ДАМЛАР



Бу йилги мавсумда оромгоҳимизга келган болажонлар руҳиятида, саломатлигида, дунёқарашида юксалиш бўлишини ният қилгандик. Ўйлайманки, бунга эриша олдик. Чунки тажрибали етакчи ва тарбиячилар белгиланган дастур бўйича иш олиб бориб, ҳар кунги турли хил қизиқарли ўйинлар, мусобақалар ва тadbирлар билан уларнинг кайфиятини кўтаришди.

Тоғ ёнбағрида жойлашган сўлим масканимизда 7-14 ёшдаги 1319 нафар бола беш навбатда маза қилиб дам олишди. Улар 25 нафар педагог билан мунтазам шуғулланишди.

Мавсумни кўнгилли ўтказишимизда ҳамкор ташкилотлар фаоллигига алоҳида тўхталсак. Ёшлар ишлари агентлиги, Баркамол авлод, фавкуллода вазиятлар бошқармаси, ички ишлар бошқармаси билан ўтказилган тadbирлар болалар учун қизиқарли ва ҳар жиҳатдан фойдали бўлди.

Дарёнинг устидан арқонда ўтиш, жабрланган шерикларини қутқариш, уларга бичинчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва ёнгин-қутқарув ускуналаридан фойдаланиб қўриш имконияти... «Қутқарувчи болалар» қизиқарли

мусобақаси иштирокчилари яхшигина кўникмага эга бўлдилар.

Ёзда болаларнинг энг яхши кўрган жойи — сузиш ҳавзаси. Бассейн ва спорт майдончалари ўғил-қизларнинг спортга қизиқишларини оширади ҳамда уларни жисмоний жиҳатдан чиқтиради.

Китобсевар болалар кутубхонадаги бир ярим мингдан ортиқ адабиётлардан фойдаланиш имконига эга бўлишди. Кинолар томоша қилишди, спектакллардан ҳаётий хулосалар чиқаришни ўрганишди.

Кўнгилочар кечки тadbирлар уларнинг ҳеч қачон ёдидан кўтарилмас керак. Қўли ширин ошпазлар кўнлик беш маҳал овқатнинг витаминларга бой ва тўйимли бўлишига аҳамият беришди.

Ота-оналар фарзандларининг оромгоҳда эрталаб бадан тарбия қилишга, ўринларини ўзлари тартибга келтиришга, соғлом овқатланишга, вақтдан тўғри фойдаланишга ўрганганларини айтиб, миннатдорлик билдиришди. Биз эса минглаб болажонларнинг дам олиб, соғлом бўлишида ҳиссамиз борлигидан мамнунмиз.

Абдулазиз ШАВКАТОВ,
«Зомин» болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳи директори



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалга ошираётган сиёсатнинг ҳақиқати ва адолати қаторида ҳамиша унинг саховати ҳам, одамлилиги ҳам кўринади. Сийёсатнинг бир юзи адолатнинг муқаррарлиги бўлса, яна бир юзи унинг меҳру шафқатидир.

Кўрпамиз, ҳар йили Мустақиллик ва Конституция байрамлари арафасида кекса, аёл ва шунингдек, илк бор жиноят йўлига кирган маҳкумларга нисбатан афв эълон қилиш юрт раҳбари учун одатга айланган. Бу меҳр-шафқат ақлари мамлакатда амр этилган бағрикенглик сиёсати туйғайлидир. Бу сиёсат ортидан бир неча бор хориждан адашган ватандошларимизнинг юртга қайтишларига изн берилди.

Буюк ватанпарвар Махатма Ганди: «Майда, заиф кимсалар кечки бўладилар, кечира олмайдилар. Фақат кучли инсонларгина кечира олади», деганди. Ўзбекистон Президентининг меҳр-шафқат ва афв этиш борасидаги изчил қарори халқимизга хос бағрикенглик, динимизга мос силаи раҳмининг амалда намоён бўлиши ҳамда давлатимиз салоҳиятидан дарақдир.

Ҳамма яхши эслайди, давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан, 156 нафар ўзбекистонлик, асосан аёллар ва болалар Яқин Шарқдаги қуролли моҳарлар худудидан юртимизга қайтариб олиб келинди. Давлатимиз томонидан бу хайрли, савобли ва улкан аҳамиятга эга «Меҳр» инсонпарварлик амалиёти муборак Рамазон ойида амалга оширилганди. Албатта, бу дунёда бандалар ҳам кечиримли Аллоҳ каби бағрикенг ва кечиримли бўлишлари керак. Айниқса, аёллар ва болаларга шафқат назари билан қаралиши лозим.

Ҳа, Президент ҳаққоний, янгича сиёсат юритяпти. Агар бу ҳодиса ислохотлар контекстида қаралса, меҳр-шафқат ва афву мурувватнинг даб-дурустдан воқе бўлмагани аён бўлади.

Маълумки, юрдошларимиз орасида ўзгача фикрлагани, собиқ авторитар тартиботларга мухолиф бўлгани учун мамлакатдан чиқиб кетганлар ҳам бор эди ва улар ҳам аста-секин қайтарилмоқда. Албатта, бу ҳам миллатни бирлаштириш ва яраштириш йўлидаги уринишларнинг давомидир. Бу шундай ҳаракатки, ўзбек деган миллат Ўзбекистон деган гузал юрт байроғи остида яқдлй яшамоғи керак.

Бугунги миллий сиёсатимиз меҳр-шафқатга, одамлиликка таянган. Ана шундай одамлиликнинг бир намунаси — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистондаги бир гуруҳ фаластинлик фуқароларга давлат гамхўрлиги, меҳр-шафқат таъминлашлари асосида кўмак бериш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони-дир. Унга кўра, инсон ҳаёти, шашни ва қадр-қимматини улуғлаш, муҳтожларга меҳр билан ёндашиш, эзгулик ва адолат таъминлашга содиқ қолиш динимиз, маданиятимиз ва анъаналаримизнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Сунғти йилларда юртимизда давлат ва жамият ўртасида инсонпарварликка асосланган муносабатларни янада мустаҳкамлаш, эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Биламизки, Ўзбекистон бу йўналишда ўз бағрикенглиги, меҳр-шафқати ва инсонпарварлик анъа-

наларини намоён этиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистонга олиб келинган фаластинлик фуқароларга бошлана берилиши ҳамда кўмак кўрсатилиши халқимизнинг асрлар давомида шаклланган қадриятларга содиқлиги ва давлатимизнинг ҳақиқий инсонпарварлик сиёсати амалда ифода бўлаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Президенти томонидан жабрдийда фаластинликларга гамхўрлик ва ижтимоий кўмак кўрсатиши таъминлайдиган механизмларнинг жорий этилиши халқимизнинг истақларига ҳам мос тushади. Яқин Шарқдаги низолаарда Фаластиннинг оддий халқига ҳаммамиз хайрихоҳ бўлганимиз ва дуо қилишдан бошқа нарса кўлимиздан келмаслигидан ўқинганимиз. Мана, давлатимиз раҳбари шу ёрдамни беришга ҳазм қилди.

Меҳмонлар учун қулай шaroитлар яратилмоқда. Улар вақтинча яшаш объектларига жойлаштирилди. Уларнинг бирламчи эҳтиёжлари қондирилиб, тиббий кўрикдан ўтказиш ва зарур дори-дармонлар билан таъминлаш чоралари кўрилди.

Фаластинлик беморлар ва уларга ҳамроҳлик қилувчи шахсларнинг Ўзбекистонда яшашга мослашиши учун Республика комиссияси томонидан амалий кўмак берилмоқда. Комиссия раҳбарлигида ногиронликка олиб келувчи касалликларга қалинган меҳмонларга қонунчиликда белгиланган даволаниш муддатидан қатъи назар ногиронлиқни белгилаш чоралари кўрилади, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса фуқароларга нафақа тайинланади. Ўлчилари иш билан таъминлаш ҳам кўзда тутилган.

Болаларнинг таълим олиши ҳам унутилгани йўқ. Улар яшаш манзиллари бўйича давлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга жойлаштирилади. Бу борадаги харажатлар 2028 йилгача давлатимиз зиммасига олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида тилга олинган фармонини, яъни бу раҳм-шафқат актини биз, албатта, қўллаб-қувватлаймиз. Ҳар биримиз Ғазо аҳлига халқимизнинг меҳмондўстлиги ва бағрикенглигини амалда кўрсатишга камарбаста бўламиз.

Карим БАҲРИЕВ,
*Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Жамоат қанааши раиси,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси*

1937 йил. Сийёсий тўфонлар авж олиб, миллионлаб инсонлар ўз уй-жойидан айрилган оғир дамлар. Шу даврда минглаб корейс оилалари ўз тарихий юртларидан узоққа — Ўзбекистонга кўчириб келинди.

Тил, дин, урф-одатлар бошқа. Лекин ўзбеклар тақдир тақозоси билан заминига келтирилган инсонларни бегона қилмади, аксинча, оиласининг янги аъзосидек қабул қилди. На тижда мамлакатимиз улар учун янги, аммо меҳрибон Ватанга айланди.

1941-1945 йиллар... Миллионлаб аёллар, болалар, кексалар ва ярадорлар уруш бўлаётган жойлардан эвакуация қилинди. Ўзбеклар уларга ўз уйидан жой берди, борини улар билан баҳам кўрди. Халқимиз бағрикенглиги тилларда дoston бўлди.

Тарихда бундай мисоллар кўп... 2024 йил 11 ноябрь. Саудия Арабистонидида бўлиб ўтган навбатдан ташқари Араб-ислом қўшма саммитида Ўзбекистон етакчиси иштирок этди. Давлатимиз раҳбари Фаластин муаммосига алоҳида тўхталиб, масалани дипломатик йўл билан ҳал этишга қорлади, илғор ташаббусларни илгари сурди. Шу асно урушда жабр кўрган фаластинлик болалар ва аёлларни Ўзбекистон шифохоналарида беғараз даволашга тайёр эканини таъкидлади.

2024 йил декабрь ойининг учинчи ўн кўнлигидида Президентимиз ташаббуси реал воқеликка айланди — Фаластиндан Ўзбекистонга 100 нафар ярадор аёл ва бола (ҳамроҳлари билан бирга) олиб келинди. Давлат



уларнинг барча эҳтиёжларини таъминлади. Тинч ва осуда ҳаёт, кўрсатилган гамхўрлик уларда янги орзу ва умидлар пайдо қилган бўлса ажаб эмас. Меҳмонлар билан суҳбатлашсангиз, бунга ўзингиз амин бўласиз. Ҳозир уларнинг нигоҳларидаги кўркүв ўрнини янги умидлар эгаллаган. Айни пайтда фаластинликлар фарзандларини ўқитиш, кўрсатилган меҳр ва эътиборга жавобан юртимиз тараққиётига оз бўлса-да, ўз ҳиссаларини қўйиш ниятида.

Президентнинг 2025 йил 15 август куни қабул қилинган «Ўзбекистондаги бир гуруҳ фаластинлик фуқароларга давлат гамхўрлиги, меҳр-шафқат таъминлашлари асосида кўмак бериш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони меҳмонларнинг истагини рўёбга чиқариш учун дастуриламал бўлди.

Ҳужжат билан фаластинлик беморлар ва уларга ҳамроҳлик қилувчиларнинг мамлакатимизда яшашга мослашишига кўмаклашиш бўйича Республика комиссияси таркиби тасдиқланди.

Комиссия меҳмонларга яратилган имкониятларни рўёбга чиқариш юзасидан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради, уларни ҳудудлар кесимида

МУЗОКАРАЛАРНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

Дунёнинг ҳаловатини ўғирлаган Украина уруши уч ярим йилдан сўнг илк бор чинакам муҳокама босқичига ўтди. 15 август куни Дональд Трамп аввал Аляскада Владимир Путин билан, 18 август куни эса Вашингтонда Владимир Зеленский ва бир қатор Европа Иттифоқи раҳбарлари билан учрашиб, сулҳ музокараларини бошлаб юборди.

Анкорижда ташланган дастлабки қадам Европа чегараларидан анча узокда ҳам акс-садо берди. Ростдан ҳам, дунёда урушни давом эттиришнинг маъниси қолмади, деган қараш тобора кучайиб борапти. Шу боис АҚШ, Россия ва Европа иштирокидаги ушбу музокаралар одатий ва натижасиз дипломатик мулоқотдан мутлақо фарқ қилиши лозим.

Бу эса яна бир ҳақиқатни ёдга солиди: дунё тартиботи қозғоғдаги декларацияларга эмас, балки мувозанатлар, қўқувлар ва кўпинча ёлғон тасаввурларга таянган мўрт пойдевор устида турибди.

Зеро, бугунги Европа «Ғарб яқдйл» деган хомхаёлга ишоняпти. Аммо Вашингтон билан Брюссель ўртасидаги зиддиятлар вақт ўтган сари очикроқ намоён бўляпти. Буни ҳамма кўриб турибди. Киев эса ҳамон қудратли давлатларга шарт қўя оламн, деган фикрда. Бироқ Украинанинг тақдирини Киевда эмас, балки бошқаларнинг музокара столларида ҳал этилиши тобора ойдинлашиб борапти.

Париж ва Берлин Украина учун хавфсизлик кафолатларини талаб қилмоқда, аммо бу кафолатлар нималардан иборат бўлиши ҳали ҳам аниқ ифода этилмаган. Улар НАТОнинг 5-моддасига ўхшаш реал механизмга айландими ёки фақат баландпарвоз ваъдалигича қоладими?

Оқ уйнинг матбуот котиби Кэролайн Левитт Украинага «жуда яхши кафолатлар» тақдим этилаётгани ҳақида сўз юрият экан, Вашингтон Киев учун ўз аскарларини қўрбон қилиш ниятида эмаслигини ҳам таъкидлаб ўтди. Европа эса тинчликпарвар кучлар ёки қузатувчилар юбориш таклифини олға суриб, гўё қатъият кўрсатган бўлди. Бироқ қулуларларда барчиси аён: бу рамзий ишорадан нарига ўтмаса керак.

Зеленский кеча чегаралар дахлсизлиги ҳақида гапирган бўлса, бугун ҳудудларини алмаштиш масаласини муҳокама қилишга тайёр. Бу хатто унинг энг яқин иттифоқчиларини ҳам ҳайратга соляпти. Европа АҚШ бошланган тинчлик ташаббусида воситачи ролини баҳаришга урингани сари, Россия-Украина ўртасидаги зиддиятларни кучайтиряпти, холос. Европанинг дипломатик саъй-ҳаракатлари хоҳиш-истаклари юксак, аммо имкониятлари заиф эканини кўрсатмоқда.

Ҳақиқатни тан олиш керак: икки ҳафта олдин бу жожа-



рога осонликча нукта қўйиш мумкин эмасдек туюларди. Байден маъмурияти ҳокимиятга келганидан бери давом этаётган Украина-Россия урушида шу пайтгача бир миллиондан ортқ одам ҳалок бўлди. Фақатгина АҚШнинг сарфлаган харажатлари 200 миллиард доллардан ошиб кетди.

Ана шундай бир вазиятда Дональд Трамп вақтинчалик сулҳни эмас, балки жиқдий шартнома таклифини илгари сурмоқда. Бу гуманизм ёки чарчол аломати эмас, балки оддий ҳисоб-китоб маҳсулидир: иттилофлар гирдобиди бўлилаётган Европа ўз яқдллигини йўқатаётган бир пайтда, режиссёрлик ролини қўлдан чиқармаслик зарур.

Москва эса ўтмиш ва келажак орасида қолиб кетгандек. Бир томондан, ҳозирги фронт чизигини мустаҳкамлашга тайёр, иккинчи томондан эса, моҳарони тўлиқ музлатиш учун Киевдан, аввало, Славянск ва Краматорск каби «қаъбалар камари»дан воз кечишдек оғир ён босишлар талаб этилишини яхши англаб турибди.

Украина учун бу — оғир синов. Ўзини қаҳрамон кўрган сифатида кўраётган мамлакат бугунги кунда савдо объектига айланиб қолганини тушуниб етаяпти. Фожиа шунда: юз минглаб қўрбонлардан кейин қайси ҳудудлар сақлаб қолиниши ва қайсилари бериб юборилиши масаласи Киевда эмас, АҚШ ва Россия музокараларида ҳал этилиши эҳтимоли ортиб борапти.

Ғарб элиталари минбарларда «қадриятлар» ва «бирдамлик» ҳақида гапирса-да, парда ортида барчасини прагматизм ҳал қилмоқда. Европа Вашингтонсиз Россия билан юзма-юз қолишдан, Америка эса уруш унинг ички барқарорлигини издан чиқаришдан хавотирда. Украина эса вақт ўтган сайин катта уйинда қўрбон бўлиши муқаррар пиёдага айланиб борапти.

Жаҳон сиёсатининг фалсафаси кўпинча абадийлик ҳақидаги янглиш тасаввурлар асосига қурилади. Гўё блоклар ва иттифоқлар мустахкам, шартномалар эса боқийдек туюлади. Аммо вақт шафқатсиз: у қум устига қурилган ҳар қандай қалъани бузиб ташляйди.

Бугун «бир бутун Ғарб» деган тасаввур ҳам совет давридаги «бирдамлик иллюзияси» каби парчаланмоқда. Кўздан панада қолаётган ҳақиқатлар юзага чиқмоқда: дунё абстракт таъминлар эмас, балки аниқ манфаатлар асосида яшашга маҳкум. Европа истаганича қадриятлар ҳақида баҳс юритиши мумкин, аммо унинг сиёсати ҳар доим энергетик инқироздан кўркүв, Вашингтонга қарамлик ва глобал жараёнлардан четда қолиб кетиш хавотирига бориб тақалади.

Америка демократия ҳимояси ҳақида гапирishi мумкин. Аммо, аслида, уни глобал иерархияни сақлаб қолиш ва дунё тартиб-қоидаларини белгилаш имконияти кўпроқ қизиқтиради. «Тарихий адолат» таъминлини тақдорлашдан чарчамётган Россияни ҳаракатга келтиряётган ҳақиқий куч эса назоратни йўқотиш ва тўлиқ қуршовда қолиш таҳдиди экани кундек равшан.

Юқоридаги таъкидлар билвосита хотира билан ҳам боғлиқ. Украина — буюк ўтмиши ва талофатлари ҳақидаги ҳоқюлар асирига айланган. Европа яқин ўтмишдаги фаровон ҳаёти ёди билан яшайди. Америка эса ўзининг қудратли давлат эканига қатъий ишонади.

Аммо хотира ҳам юксалтириши, ҳам вайрон қилиши мумкин. Ўтмиш асосий далилига айланганда, келажак мавхумликка юз тутайди. Бугун гувоҳи бўлаётганимиз айнан шу, аслида: ҳар бир томон ўтмиш образларига маҳкам ёпишиб олган, аммо бугун ва эртанги кун эски ўлчамларга сиғмай қолган.

Хўш, энди нима бўлади? Агар АҚШ ва Россия келишувга

БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ОЛИЙ ИФОДАСИ

ТАҲЛИЛ

тақсимот қилади, шунингдек, амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини мониторинг қилиб боради.

Республика комиссиясининг ишчи органи Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги этиб белгиланди. Шунга кўра, меҳмонлар билан маҳалла даражасида бевосита ишлар «Маҳалла этилиги» ва «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази томонида ташкил этилади. Ҳар бир меҳнат ёшидаги фаластинлик учун ҳар ойда минимал истеъмол харажатлари микдорида яшаш нафақаси жорий этилади, уй-жой ижара

харажатлари қоплаб берилади. Бандлигини таъминлаш чоралари кўрилади, яъни тегишли дастурлар асосида тадбиркорликка жалб қилинади. Фарзандлари мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларига жойлаштирилади.

Шубҳа йўқки, вақти-соати этиб, Ғазода тинчлик ўрнатилади. Одамлар осуда ҳаёт кечира бошляйди. Энг оғир дамларда қўрсатилган ёрдам эса ҳеч қачон унутилмайди.

Дилшод БҮРИЕВ,
журналист



Ўзбекистонни яхши кўриб қолдим

Нажла Абдуллоҳ Албурий, меҳмон:
— Фаластиннинг Ғазо секториданман. У ердан касал ҳолда чиқиб, муложага учун Миср Араб Республикасига келдим. 11 ой шу жойда яшайдим. Менга жуда мураккаб турдаги муложага керак. Чунки бу турдаги муложа Ғазода ҳам, Мисрда ҳам мавжуд эмас. Шу боис Ўзбекистонга келдим. Муложалардан сўнг соғлиғим секин-аста тикланди. Президент Шавкат Мирзиёевга раҳмат.

Халқ руҳиятини ифодаловчи улуг иш

Бишер Алараж, Фаластиннинг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси:
— Иккилаанни суяш, ёрдам бериш ўзбекларга ҳос жиҳат. Таъбир жоиз бўлса, Фаластин халқида кўрсатилаётган эътибор ўзбек халқи руҳиятини ифодаловчи улуг иш. Буни сўз билан ифодалаб бериш мушкул. Муҳими, фаластинликлар биродарларининг гамхўрлигини чуқур ҳис этишяпти. Меҳмондўстлик учун аввало, Ўзбекистон раҳбари, муҳтарам Шавкат Мирзиёевга, қолаверса, ўзбек халқида фаластинликлар номидан ўз миннатдорлигини билдираман.



Чуқур ўйланган комплекс ёндашув

Антония Людекке, ЮНЕСКО вакили:
— Фаластинликларга кўрсатилаётган гуманитар ёрдам ва қўллаб-қувватловдан жуда мамнунмиз. Айниқса, уларни жамиятга интеграция қилиш учун алоҳида фармон қабул қилингани таҳсинга лойиқ. Бу чуқур ўйланган комплекс ёндашув.

Шавкат Мирзиёев Суриянинг шимоли-шарқида, Афғонистонда ёки Ироқда қийин аҳволда қолган аёллар ва болаларни қайтартириш ва жамиятга интеграция қилишда ҳам бошқа мамлакат раҳбарларига намуна бўлянди. Қошки, бошқалар ҳам ундан ўрнак олиб, опийжаноб ишларга бош қўйса...

Туш кўраётгандекман

Сано Муҳаммад, фаластинлик меҳмон:
Ғазода ҳеч нарса қолмади, ҳисоб. Бомбалар ҳамма ерни вайрон қилди. Ҳаммаси кўз ўнгимизда содир бўлди. Аёллар ва болалар, кексалар, ҳеч кимни аяшмади... Ўзбекистонда эса бизни эъзозлашяпти, ҳурмат-иззат кўрсатишяпти. Худди туш кўраётгандекман.



ХАЛҚАРО ШАРҲ

эришса, бу дунё миқёсидаги янги муросаи-мадора мезонларининг ярилишига замин яратяди. Украина эса расман бўлмаса ҳам, амалда бўлиниб кетади: Шарқи — Москва таъсирига ўтади, Ғарби эса Европага кучлироқ интеграция қилинади. Киев қайсиқдир маънода ўз давлатчилигини сақлаб қолади, аммо тўлиқ танлов эркинлигидан маҳрум бўлади. Бу аччиқ танлов ҳудудларнинг бир қисмини қўрбон қилиб бўлса-да, ҳаёт ва иқтисодийётни сақлаб қолиш имконини беради.

Европа учун эса бу келишув оғир синовларнинг бошланishi дегани. Евроиттифок илк бор тарихнинг субъекти эмас, объектига айланиб борапти. Брюссель «Украина Европанинг ажралмас қисми» эканини таъкидлаб келаётган бўлса-да, АҚШнинг босими остида Вашингтон ҳамда Москва ўртасидаги келишувни тан олишга мажбур бўлади. Бу эса Европа қудратини шубҳа остига қўйиши мумкин. Чунки ўз худудидидаги уруш масаласида қатъият кўрсата олмаган Евроиттифокнинг жаҳон сиёсатидаги обрў-эътибори пасайиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ва низоҳат, глобал сценарийларга юзланамиз. Дунё аста-секин янги сиёсий архитектура қад ростлаётган даврга кириб борапти. Бу ерда энди одатий икки қутбlilik йўқ, аммо барқарор кўп қутбли мувозанат ҳам тўлиқ шаклланиб улгурмаган. АҚШ ва Россиянинг Украина масаласидаги келишувни дунё кутаётган тинчликни ўрната олмаслиги мумкин. Бироқ у муҳим ҳуқуқлардан чикариш имконини беради. Яъни, қонун-қоидаларни урушдан азият чекаётган томонлар эмас, балки ўзгалар ёпиқ хоналарда қайта ёзиш мумкин экан. Бу эса хавфли ва кучли прецедент. Эртага худди шу таразда Тайвань ёки Болконлар, Яқин Шарқ ёки Кавказ тақдирини ҳар ҳал этилиши мумкин.

Публицистлик нуктаи назардан манзара оддий: биз қадриятлар фақат риторика, манфаатлар эса дипломатиянинг ягона тилига айланган дунёда яшаймиз. Бу ерда на фожиа ва на романтика бор. Фақат реал воқелик мавжуд, холос. Бунга кўникишдан бошқа илож йўқ.

Хуллас, Украина учун бу келишув — ҳаёт-мамонт масаласи. Агар Украина тинчлик шартларига рози бўлмаса, АҚШ ҳар қандай ёрдамни тўхтатиб қўйиши, бу эса унинг жанг майдонидидаги аҳволини янада оғирлаштириши мумкин. Албатта, Европанинг бир қатор давлат етакчилари урушни якунлашдан манфаатдор эмас. Аммо Украина бунга рози бўлса, қолган ҳудудларидан ҳам айрилиб қолиши ҳеч гап эмас. Россия учун ҳам келишувга монелик қиладиган сабаблар кўп. Ва уларнинг энг асосийси Владимир Зеленскийнинг легитимлиги масаласидир.

Хулоса равшан. Асосий масала шуки, Трамп яқин ҳафталарда Путин ва Зеленскийни бир стол атрафида ўқтизиб, сулҳга мажбур эта оладими? Москва ва Киев бу оғирлиқ муросага рози бўладими? Зеро, икки томоннинг даъволари бир-бирини мутлақо инкор этади.

Бироқ вақтнинг ўзи муросасиз ҳакам. У кутмайди. У дунёнинг келгуси тарихини белгилайдиган қарорларни талаб этапти. Бу қарор нафақат Европанинг, балки бутун жаҳон хартисаси шаклини ўзгартириб юбориши мумкин.

Дунё воқеалар ривожини кутяпти. Бу оғир танаффус тинчлик ва барқарорликка хизмат қилиши керак. Асло урушнинг аланга олишига эмас.

Жаҳонгир НАҲАHOV
«ISHONCH»

«УЗУМ САЙЛИ»

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ТАШРИФ ҚОҒОЗИГА АЙЛанади



22-23 август кунлари Тошкент вилоятининг Паркент тумани Заркент қишлоғида «Узум сайли» ва Халқаро виночилик фестивали бўлиб ўтиши кутилмоқда. Шу муносабат билан матбуот анжумани ташкил этилди. Унда Тошкент вилояти ҳокимининг туризм масалалари бўйича ўринбосари Жамшид Бобо-жонов ҳамда Паркент тумани ҳокими Сардор Исақулов тадбир юзасидан батафсил маълумот берди. Қайд этилганидек, фестивалга узумчилик ва виночилик соҳаларида фаолият юритаётган хориж-

лик мутахассислар келиши кутилмоқда. Маълумотларга кўра, ўтган йилларда ўтказилган тадбирларда 32 миллион доллар қийматидаги экспорт шартномалари имзоланган. Фестиваль доирасида соҳа мутахассислари иштирокида илмий-амалий семинарлар ташкил этилади. Шунингдек, хунармандчилик буюмлари, миллий таомлар ва либослар намойишлари, маданий ва фольклор тадбирлари бўлиб ўтади. Махсус ташкил этилган павильонларда бошқа ҳудудлардан

келган фермер ҳўжаликлари, вино заводлари вакиллари ўз маҳсулотларини намойиш қилишади. Фестивалнинг бизнес йўналишида эса тақдиротлар, музокаралар, маҳорат дарслари ўтказилиб, халқаро ҳамкорлар билан шартномалар ва инвестиция битимлари имзоланиши режалаштирилган. — *Вилоят миқёсида умумий ҳисобда 19 минг гектар узумзор бор, — деди вилоят ҳокими ўринбосари Ж.Бобожонов. — 11 та давлатга 40 минг тонна маҳсулот экспорт қиялмиз. 9 хил вино маҳсулотлари етказиб берялмиз. Бугунги кунда юртимизда 28 дан ортиқ хўраки ва винобоп узум навлари етиштирилмоқда ва шундан 13 хил тури Тошкент вилоятида яратилган.*

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»




Дам олиш кунлари ўйда шахсий ҳужжатларни титкилаб ўтиргандим, уларнинг орасидан «Ёш куч» журналининг 1991 йилдаги 10-сонига эълон қилинган «Пулингиз кўпайсин — бахтли бўласиз» сарлавҳали мақолам чиқиб қолди. Қайта ўқиб чиқдим. Унда инсон бахтли бўлиши учун пул ҳам катта аҳамиятга эга эканини исботлашга уринган эканман...

34 йил олдин ЁЗГАНЛАРИМ
«Бахт нима?» деган саволга ҳар ким ўзича жавоб беради. Бировлар учун бахт ота-онасини доим соғ-саломат кўриш, бошқаларга эса севган ёрига етилиш. Яна бировлар айтидики: «Фарзандларинг, ёру дўстларинг яхши-ёмон кунингда ёнингда ҳамроҳ-ҳамдард бўлса, бошинг ёстиққа текканда, бир қошиқ сув томизса, шу ҳам бахт».

Ҳа, бахтни ҳар ким ўзича тасаввур қилади ва юқоридаги фикрлари билан ҳар ким ўзича ҳақ. Лекин танганинг икки томони бўлгани каби, бахтнинг ҳам яна бир қирраси борки, бугун ана шу ҳақда ўз фикрларим билан ўртоқлашмоқчиман.

ишлайдиган одамга, барибир, беришмайди. Кимдандир қарз-ҳавола қилай деса, яна ўша гап: қайтара оладими-йўқми, деган ҳадик билан ҳеч ким қарз бергиси келмайди. Контракт пули тўланмагани оқибатида бола ўқиймай қолади. Агар шу одамнинг пули бўлганида фарзанди олий ўқув юртида ўқиган бўларди. Бахтсизлиқни қарангки, пул йўқ. Пул йўқлиги учун ўқиш ҳам йўқ. А.нинг икки ўғилдан кейин туғилган қизи 7 ёшга кирганида оғир дардга чалиниб қолди. Қизини даволатиш учун яшаб турган квартирасини сотиб ижарага чиқиб кетди, қариндошлардан қарз кўтарди. Ҳаммаси вилоятдаги, Тошкентдаги муолажаларга сарфланди. Ле-

Тортилаётган суюқ, қуюқ таомларнинг кети узилмайди, меҳмонлар биттасини еб улгурмасидан бошқаси олиб келин-япти. Ҳар бир столга қўйилган



■ **НУҚТАИ НАЗАР**

ПУЛИНГИЗ КЎПАЙСИН — БАХТЛИ БЎЛАСИЗ!

...Фалсафа нуқтаи назаридан қаралса, инсонлар яшашлари, катта-кичик муаммоларни ҳал этишлари учун еб-ичишлари, кийинишлари керак. Инсон иқтисодий жиҳатдан қанчалик яхши таъминланган бўлса, унинг фаолият кўрсаткичлари шунчалик юқори бўлади. Ана шунда инсон фақат оила, бола-чақасини боқиш ташвишларинингизга эмас, балки бошқа нарсалар ҳақида ҳам ўйлайдиган бўлади. Атрофиди бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан бепарволик қайфиятлари ҳам уни тарк этади. Лекин аҳолисининг миллионга яқини ишсиз, асосий қисми ночор аҳволда яшаётган Ўзбекистон ҳақида шундай деб бўладими?! Бундай оилаларнинг на еб-ичишида, на кийинишида серобчилик бор. Улар учун рангли телевизор, холодильник, магнитофон ва енгил машиналар орзу. Қозонлари ойда бир-икки марта гўшт кўрса, шунинг ўзи улар учун байрам... Ҳўш, энди айтинг-чи, еб-ичиши, кийиниши амал-тақал, бир нави бўлган бечора деҳқонни, унинг фарзандларини бахтли яшаяпти, деб бўладими?! Менимча, йўқ! Тўғри, ўзлари «Бахтлимиз!» дейишлари мумкин. Лекин уларнинг бахти уфқларга тута-ш пахтазору, дастурхонларидаги нон-чойдангина иборат...

кин, афсуски, қизи тузалмади. Ҳиндистонда даволатса, яхши бўлиб кетиши мумкин экан. Лекин муолажалар анча қиммат ва узоқ давом этар, 30 минг доллардан кўпроқ пул керак бўларкан. Бунча пулни қаердан топади?! Узи бор будини сотиб, яна қарзга кириб ўтирган бўлса. Хотини «Бир нарса қилинг, дадаси», деб йиғлайди. Бир хотинига, бир қизининг сўлғин юзига, бир синглисига мўлтираб турган ўғилларига қараб, ўзининг ҳам юраги эзилди.

Унинг ташвишидан хабар топган саҳоватпеша инсонлар ижтимоий тармоқ орқали хайрия эълон қилишди. Одамларимиз орасида ҳалиям меҳр-оқибат кўтарилмаган экан, баҳоли қудрат пул ташлашяпти картасига. Анча маблағ йиғилиб қолди. Лекин керакли пул тўплангунча қизига бир нима бўлиб қолмасин-да, деб ич-этини ейди.

Агар пулдор бўлганида Ҳиндистон у ёқда турсин, керак бўлса, Европага, Америкага олиб бориб даволатлари қизини. Лекин қўли қалта, шундан кечалари уйқуси қочиб ўзини бахтсиз ҳис қилади, хотинига сездирмай йиғлаб ҳам олади.

Энди сал қора юмор аралашган вазиятга мурожаат қиламиз.

Шаҳарнинг олди бойларидан бўлган Фалончибой ўғлини уйлантирди. Минг чоғли одам йиғилган тўй дастурхонида, лофсиз чини билан айтганда, анқонинг уруғидан бошқа ҳамма нарса бор эди. «Иван Васильевич касбини ўзгартиради» фильмида айтилганидек, қора икра, қизил икра, бақлажон икриси (чет элдан келтирилган)... Бир томонда кийик гўштидан димлама, иккинчи томонда бутунча қовурилган осётр балиги, яна бир чини идишда қисқичбақа ва саккизоёқ гўшти. Қолага ўхшаган ичимликларнинг эса Америкадаги заводда чиққанидан олиб келинган.

кичкина аквариумчаларда эса тилла балиқчалар сузиб юрибди. Тўйхонага қувё оқ (келин оқ отли шахзодасига етишганига ишора бўлса керак!), келин эса қора отда кириб келишади. Ўзимизнинг энг олди санъаткорларимиздан ташқари, Туркия ва Россиядан ҳам «юлдуз» артистлар бирровга келиб, қўшиқ айтиб кетишди.

Хуллас, тўй тўйдаи ўтди, маҳаллада дув-дув гап бўлди. Айниқса, Писмадончибойнинг хотинига Худо берди. Ҳар куни эрининг миясини эғовлайди: «Сиз ҳам юрибсиз-да бойман, деб. Фалончибойнинг тўйини кўрдингизми? Агар ўғлимизнинг тўйи шундан ортиқ бўлмаса, розимасман!».

Писмадончибой бу гаплардан бир бошини, бир юрагини чангаллайди. Тўғри, у ҳам тўртта одам йиғилган жойда бошқаларга унча-мунча гап бермайдиганлардан бири. Лекин пули Фалончибойникичалик эмас. Шу боис, хоҳласа ҳам ўғлининг тўйини Фалончибойникидан ортиқ қилиб ўтказолмайди. Бундан ортиқ бахтсизлик бўлиши мумкинми?!.

Юқорида 34 йил олдинги ва бугунги фикрларим билан танишдингиз.

Энди айтинг-чи, бахт пулда эмасми? «Йўқ, пулда эмас», дейсизми? Унда мана бу содда формулага эътибор қаратинг! Зора, шунда бахтнинг бир қирраси пул эканига ишонч ҳосил қилсангиз. «Вақтинг кетди, нақдинг кетди», дейди доно халқимиз. Яна «Вақт — бу пул!» деган ибора ҳам бор кенг истеъмолда. Демак, вақт пулга тенг экан, биринчи иборани шундай ўзгартириб айтишга ҳақлимиз: «Пулинг кетди, бахтинг кетди».

Хуллас, орадан салкам 35 йил ўтиб ҳам фикрим ўзгаргани йўқ: пулингиз кўпайсин — бахтли бўласиз!

Дармон ИБРОҲИМОВ
«ISHONCH»

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Маъмуржон Тўхтаинов
иқросида
«БИР ТУТАМ СОЧЛАРИНГ»
қўшиғи

*Бир тутам сочларинг менинг қўлимда,
Ғажимлаб ўпайми, ё тараб-ечай,
Сир деб сақлаганинг менинг қўйнимда,
Сир деб сақлайинми, ё елга сочай.*

Чўлпон шеъри

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shog'osim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib — «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib — «Ishonch-Доверие»)
Bosh muharrir
Husan ERMATOV
«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyatni nuqtai nazaridan qaytarilishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89
Milliy ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43
Marketing va obuna — (71) 256-87-73
Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati — (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati — (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati — (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati — (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati — (+998-90) 379-19-70
To'shkent viloyati — (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati — (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Salim ABDURAHMONOV
Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA
Sahifalovchi:
Hasan ABDOJALILOV
Bosishga topshirish vaqti — 23:40
Toshlirildi — 00:10
Bahosi kelishilgan narxda
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch 1991@yandex.uz
Nashr ko'rsatkichi: 133
Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan fashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 076 ta
Shundan: 6 079 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi — Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
18 116 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi — Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
7 881 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi — Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-811
1 2 3 4 5 6